



## AKTUAR MOLIYA VA BUXGALTERIYA HISOBI ILMIY JURNALI

Vol. 4 Special Issue | pp. 96-103 | ISSN: 2181-1865  
Available online <https://finance.tsue.uz/index.php/afa>

### МИНТАҚА ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР ВА УЛАРНИНГ ГУРУҲЛАНИШИ



*Умаров Абдуваҳоб Турсунович*  
Ўзбекистон Миллий университети  
Иқтисодиёт факультети декани

**Аннотация:** Мақолада минтақанинг иқтисодий салоҳияти, ундан фойдаланиш бўйича иқтисодчи олимларнинг иқтисодий қарашлари таҳлил қилинган. Шунингдек, минтақаларнинг иқтисодий салоҳиятидан фойдаланишга таъсир этувчи омиллар ўрганилган ҳамда гуруҳланган. Тадқиқот натижалари бўйича минтақа иқтисодий салоҳиятидан фойдаланишнинг қуии ва ўрта даражаларга ажратилиши нинг қуии ва ўрта даражаларга ажратиш таклифи асосланган ҳамда унинг афзаллик жиҳатлари ёритилган.

**Калит сўзлар:** Минтақа, ҳудуд, барқарор ривожланиш, иқтисодий салоҳияти, минтақанинг иқтисодий салоҳияти.

### ФАКТОРЫ, ВЛИЯЮЩИЕ НА ЭФФЕКТИВНОСТЬ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ЭКОНОМИЧЕСКОГО ПОТЕНЦИАЛА РЕГИОНА И ИХ ГРУППИРОВКА

**Аннотация:** В статье анализируется экономический потенциал региона, экономические взгляды экономистов на его использование. Также изучены и сгруппированы факторы, влияющие на использование экономического потенциала регионов. На основе результатов исследования обосновано предложение разделить использование экономического потенциала региона на нижний и средний уровни и выделены его преимущества.

**Ключевые слова:** Регион, территория, устойчивое развитие, экономический потенциал, экономический потенциал региона.

### FACTORS INFLUENCING THE EFFICIENCY OF USING THE ECONOMIC POTENTIAL OF THE REGION AND THEIR GROUPING

**Abstract:** The article analyzes the economic potential of the region, the economic views of economists on its use. The factors influencing the use of the economic potential of the regions have also been studied and grouped. Based on the results of the study, a proposal to divide the use of the region's economic potential into lower and middle levels is substantiated and its advantages are highlighted.

**Key words:** Region, territory, sustainable development, economic potential, economic potential of the region.

## Кириш

Барқарор ривожланиш шароитида минтақа иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш макро, мезо ва микро даражада долзарб аҳамият касб этувчи илмий-амалий муаммолардар ҳисобланади. Узоқ йиллардан буён ушбу масала юзасидан иқтисодий адабиётда кўп сонли илмий тадқиқотлар амалга оширилиб келинаётган бўлиб, унда шаклланган қарашлашлар турли туманлиги билан характерланади Бунинг сабаби минтақа иқтисодий салоҳияти иқтисодий категориясига нисбатан ягона бўлган илмий қарашнинг шаклланмаганлиги ҳисобланади. Шунингдек, тадқиқотчилар томонидан амалга оширилган илмий изланишларнинг обьекти нуқтаи назаридан минтақа иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларнинг ишлаб чиқилганлиги ҳам бунга асос бўла олади.

## Тадқиқот усуллари.

Тадқиқот жараёнида гуруҳлаш, тизимли ёндашув, назарий ва амалий ўрганиш, индукция ва дедукция, анализ ва синтез, қиёсий таҳлил каби усуллардан фойдаланилган.

## Адабиётлар таҳлили

Н.Н. Яшалова тадқиқотларида минтақа иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигининг экологик-иктисодий жиҳатларини тадқиқ этган. Унинг фикрича, минтақа иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигига ҳуқуқий-меъёрий, илм-фан, экологик-ресурс, инновацион-техник омиллар таъсир кўрсатади. Ушбу тадқиқот БМТнинг 2030 йилга қадар бўлган муддатда Барқарор ривожланиш мақсадларининг экологик барқарорликни таъминлаш мақсадига эришишда минтақаларнинг экологик-иктисодий ривожланиш салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилганлиги билан аҳамиятли ҳисобланади. Бугунги кунда жаҳонда “яшил иқтисодиёт”ни ривожлантиришга қаратилган ислоҳотларга устуворлик қаратилиши, жумладан, муқобил энергиядан фойдаланишни кенг тарғиб қилиниши минтақалар иқтисодий салоҳиятини баҳолашда экологик омилларни ҳам инобатта олиш заруриятини уйғотади.

Шунингдек, А.И. Гаврилов<sup>1</sup> минтақа иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омилларни бозор, рақобат ва ишлаб чиқариш омиллари гуруҳини ажратиб кўрсатган бўлса, Н.И. Лапин ва Л.А. Беляевалар<sup>2</sup> эса анъанавий ва аттрактив (жалб қилувчи) омиллар гуруҳини ажратиб ўтишган. Минтақа иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигига таъсир кўрсатувчи бозор омиллари бу бозор конъюнктураси билан боғлиқ бўлган омиллар ҳисобланса, рақобат ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг рақобатбардошлиги кўрсаткичига таъсир кўрсатувчи, ишлаб чиқариш эса маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнлари ва уни ташкил этиш билан боғлиқ бўлган омиллардан иборат бўлади. Жумладан,

<sup>1</sup> Гаврилов А.И. Региональная экономика и управление. – М.:ЮНИТИ-ДАНА, 2002. – 239 с.

<sup>2</sup> Лапин Н.И., Беляева Л.А. Регионы в России: социокультурные портреты регионов в общероссийском контексте. / Монография. – М.: Academia, 2009. – 807 с.

анъанавий омиллар бу минтақанинг бошқа бир минтақага нисбатан рақобатбардошлиқ кўрсаткичини оширишга таъсир кўрсатувчи омиллар бўлса, минтақанинг бошқа бир минтақага нисбатан фарқли жиҳатлари, унинг афзаликлари аттрактив (жалб қилувчи) омиллар ҳисобланади.

Шу билан биргалиқда, Н.А. Чижова ўз тадқиқотларида минтақа иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигига таъсир қилувчи омилларни таъсир доирасига кўра, “қаттиқ” ва “юмшоқ” омилларга ажратиб ўтган.<sup>3</sup>

Иқтисодий адабиётда минтақа иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигига таъсир этувчи омиллар турли ёндашувлар асосида таҳлил қилинган. Жумладан, М.Н. Руденко фикрича, минтақа иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлиги тадқиқот обьекти билан боғлиқ ҳолда эмас, балки комплекс ҳолда тадқиқ этилиши лозим. Чунки ҳар қандай омиллар минтақа иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигига маълум бир даражада ўз таъсирини ўтказиш хусусиятига эга ҳисобланади.<sup>4</sup>

Фикримизча, М.Н. Руденко томонидан минтақа иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омилларнинг ижтимоий-маданий ёндашув жиҳатидан гурухланиши аввалги иқтисодчи олимларга нисбатан кенг қамровли эканлиги билан характерланади.

### **Таҳлил ва натижалар**

Д.Ш. Одинаев минтақа иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омиллар бир вақтнинг ўзида уни шакллантиришга ҳам таъсир қиласди,<sup>5</sup> деган ғояни илгари суради. Унинг фикрича, минтақа иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омилларни характеристи, барқарорлиги, шаклланиш манбасига ва ўзгарувчанлиги бўйича гурухлаш мумкин бўлади (1-жадвал).

### **1-жадвал**

#### **Минтақа иқтисодий салоҳиятига таъсир кўрсатувчи омилларнинг таснифланиши<sup>6</sup>**

<b>Омилларнинг турӯҳланиши</b>	<b>Омиллар</b>
<b>Характерига кўра</b>	интенсив
	экстенсив
<b>Барқарорлига кўра</b>	объектив
	субъектив
<b>Шаклланиш манбасига</b>	ташқи

<sup>3</sup> Чижова Н.А. К вопросу о социально-экономическом потенциале региона: теоретический аспект // Вестник Алтайского государственного аграрного университета. – 2013. – с. 109-112

<sup>4</sup> Руденко М.Н. Классификация факторов развития и реализация экономического потенциала регионов с позиции социокультурного подхода. Российское предпринимательство. Том 18, № 15, август 2017. – с. 2215-2230.

<sup>5</sup> Одинаев Д.Ш. Иқтисодий салоҳият тушунчаси, таркиби ва шаклланиш омиллари. “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 3, may-iyun, 2022. – 260-266 betlar. [https://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/27\\_Odinayev.pdf](https://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/27_Odinayev.pdf)

<sup>6</sup> Одинаев Д.Ш. Иқтисодий салоҳият тушунчаси, таркиби ва шаклланиш омиллари. “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 3, may-iyun, 2022. – 260-266 betlar. [https://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/27\\_Odinayev.pdf](https://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/27_Odinayev.pdf) ма’лумотлари асосида тузилган

кўра	ички
Ўзгарувчанлигига кўра	ўзгарувчан
	ўзгармас

Таҳлилларга кўра, М.Н. Руденко билан Д.Ш. Одинаев томонидан минтақа иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигига таъсир қўрсатувчи омилларнинг гурухланиши деярли ўхшаш бўлиб, М.Н. Руденко томонидан нисбатан кенг қамровли хулосалар шаклланганлиги билан аҳамиятли ҳисобланади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, юқорида келтириб ўтилган минтақа иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигига таъсир қўрсатувчи омилларнинг гурухланиши бўйича илмий қарашларда ундан фойдаланиш жараёнида вужудга келадиган ижтимоий-иктисодий муносабатларнинг ўзаро алоқадорлиги инобатта олинмаган ҳисобланади. Шу сабабли, нисбатан тор маънодаги аҳамиятга эга бўган илмий қарашлар шаклланган. Бу эса минтақа иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигига таъсир қўрсатувчи омилларнинг тизими равишда таҳлил қилинмаганлигидан далолат беради.

Иқтисодий адабиётда минтақа иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигига таъсир қўрсатувчи омилларни мазкур жараёнда вужудга келадиган ижтимоий-иктисодий муносабатлар тизимини инобатта олган ҳолда тадқиқ этишга қаратилган илмий изланишлар ҳам мавжуд. Бу турдаги илмий тадқиқотлардан олинган натижаларда минтақа иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигига таъсир қўрсатувчи омиллар ижтимоий-иктисодий муносабатларнинг оптимал чегараларини белгилаш имконини бериши билан аҳамиятли ҳисобланади.

Жумладан, минтақа иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг макро, мезо ва микро даражадаги аҳамияти Е.В. Щербакованинг илмий изланишларида ёритиб берилган. Унинг фикрича, иқтисодий салоҳиятдан фойдаланиш самарадорлиги микро даражадан макро даражагача бўлган барча ижтимоий-иктисодий муносабатлар тизимининг оптималлигига намоён бўлади.<sup>7</sup> Бунда ҳар бир босқич, яъни, корхона даражасидан тортиб то яхлит миллий иқтисодиёт даражасигача бўлган иқтисодий салоҳиятдан фойдаланиш самарадорлигига таъсир қўрсатувчи барча омилларни тўлиқ қамраб олиш талаб этилади (2-жадвал).

Микродаражада иқтисодий салоҳиятдан фойдаланиш самарадорлиги қўрсаткичига асосий фонdlар, логистика, рақобатбардошлиқ, ресурс таъминоти, маркетинг, инновацион ва савдо-сотиқ (тижорат) билан боғлиқ омиллар таъсир қўрсатади. Мезодаражада эса бозор конъюнктураси, ички иқтисодий (амалга оширилаётган ҳудудий иқтисодий сиёсат, минтақаларда яратилган иқтисодий шарт-шароитлар ва ҳ.к.), таълим ва ижтимоий соҳа билан боғлиқ омиллар минтақанинг иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш салоҳиятига ўз таъсирини ўткаазади. Макродаражада минтақа иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш

<sup>7</sup> Щербакова Е.В. Иерархическая структура экономического потенциала региона // Регионология. 2018. Т. 26, № 3. – с. 422-437

самарадорлиги яхлит миллий иқтисодиёт тармоқлари, жумладан, саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш, ижтимоий соҳа бўйича худудлар салоҳиятидан фойдаланиш жараёнида намоён бўлади.

## 2-жадвал


### Барқарор ривожланиш шароитида минтақа иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш даражалари ва унга таъсир кўрсатувчи омиллар<sup>8</sup>

Микродаржа	Мезодаржа	Макродаржа
Ишлаб чиқариш салоҳияти		
Мехнат салоҳияти		
Илмий техник салоҳият		
Молиявий салоҳият		
Бошқарув салоҳияти		
Мол-мулк салоҳияти (асосий фонdlар ва ишлаб чиқариш воситалари)	Табиий-ресурс салоҳияти	
	Дамографик салоҳият	
	Маданий салоҳият	
Логистик салоҳият	Геосиёсий салоҳият	
Рақобатбардошлиқ салоҳияти	Экологик салоҳият	
	Экспорт салоҳияти	
Ресурс салоҳияти	Инвестицион салоҳият	
Маркетинг салоҳияти	Институционал салоҳият	
Инновацион салоҳият	Бозор салоҳияти	Саноат салоҳияти
Тижорат салоҳияти	Ички иқтисодий салоҳият	Агросаноат салоҳияти
	Ижтимоий соҳа салоҳияти	Ижтимоий ривожланиш салоҳияти
	Таълим салоҳияти	Ташқи иқтисодий салоҳият

Шунингдек, яна бир иқтисодчи олим И.Н. Ильина томонидан минтақа иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омилларнинг худудий, ташкилий, хўжалик юритиш ва инсон омили билан боғлиқ бўлган групҳари ўзаро фарқланади. Унинг фикрича, минтақа иқтисодчи салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигига аниқ бир кўрсаткичлар тизими эмас, балки турли йўналишлар кесимидағи омиллар таъсир кўрсатади.<sup>9</sup>

<sup>8</sup> Щербакова Е.В. Иерархическая структура экономического потенциала региона // Регионология. 2018. Т. 26, № 3. – с. 422-437 маълумотлари асосида тузилган

<sup>9</sup> Ильина И.Н. Региональная экономика и управления развитием территорий: Учебник и практикум для бакалавриата и магистратуры / И.Н. Ильина, К.С. Леонард, Д.Л. Лопатников и др. – Люберцы: Юрайт, 2016. – 351 с.




**1-расм. Минтақа иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омиллар ва уларнинг гуруҳланиши<sup>10</sup>**

Юқорида келтириб ўтилган Е.В. Шербакова ва И.Н. Ильина томонидан минтақа иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омилларнинг гуруҳланиши бошқа иқтисодчи олимлар томонидан ушбу йўналишда амалга оширилган тадқиқот натижаларига нисбатан мураккаб тузилишга эга эканлиги билан характерланади.

Таҳлилларга кўра, барқарор ривожланиш шароитида минтақа иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омилларни ундан фойдаланиш жараёнида вужудга келадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг ўзаро алоқадорлиги нуқтаи назаридан бевосита ёки билвосита таъсир имкониятларидан келиб чиқсан ҳолда гуруҳлаш талаб этилади (2-расм). Бу турдаги гуруҳлашни амалга оширилиши олинган натижаларнинг ишончлилигини ошириш билан биргаликда, ҳар қандай минтақада қўллаш имкониятини яратади.

Таклиф этилаётган барқарор ривожланиш шароитида минтақа иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омилларни ундан фойдаланиш жараёнида вужудга келадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг ўзаро алоқадорлиги нуқтаи назаридан бевосита ёки билвосита таъсир имкониятларидан келиб чиқсан ҳолда гуруҳлаш амалиёти маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ilk босқичидан бошлаб то уни истеъмолчига етиб боргунга қадар бўлган даврдаги барча босқичларни тўлиқ қамраб олганлиги билан аҳамиятли ҳисобланади.

<sup>10</sup> Ильина И.Н. Региональная экономика и управления развитием территорий: Учебник и практикум для бакалавриата и магистратуры / И.Н. Ильина, К.С. Леонард, Д.Л. Лопатников и др. – Люберцы: Юрайт, 2016. – 351 с. маълумотлари асосида тузилган



**2-расм. Минтақа иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омилларнинг гуруҳланиши<sup>11</sup>**

Минтақа иқтисодий салоҳиятидан фойдаланишнинг қуийи ва ўрта даражаларга ажратилиши қуийдагича изоҳланади:

- қуийи даража бу маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнларини ўзида акс эттириб, корхоналар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларининг ўрнатилиги, интеграцион муносабатларги киришиши жараёнлари билан боғлиқ ҳисобланади. Яъни минтақа иқтисодий салоҳиятидан фойдаланишнинг микродарадаги кўриниши ҳисобланади;

- ўрта даражада минтақанинг яхлит ҳудудий салоҳиятидан фойдаланиш ҳолатига таъсир кўрсатувчи омиллар келтирилган. Бунда минтақа иқтисодий салоҳияти, унинг рақобат устунликлари, ишлаб чиқариш имкониятларини тавсифловчи кўрсаткичлардан фойдаланилган. Жумладан, минтақада хўжалик фаолияти юритиш учун яратилган шарт-шароитлар ҳам айнан ушбу кўрсаткичлар орқали баҳоланади.

<sup>11</sup> Муаллиф ишланмаси

Шунингдек, таклиф этилаётган гурулаш амалиётининг аввалгилардан афзалиги қўйидагиларда ўз аксини топади:

- ҳар қандай минтақанинг иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш мумкинилиги;
- иқтисодий салоҳиятни баҳолашда зарур бўладиган маълумотларни тўплаш осонлиги;
- минтақа иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигига салбий таъсир қўрсатаётган омиллар, жумладан, оқсаётган соҳаларни ўз вақтида аниқлаш орқали барқарор ривожланиши таъминлаш;
- сўнгти йилларда жаҳонда, жумладан, мамлакатимизда амалга оширилаётган "яшил иқтисодиёт", "инновацион иқтисодиёт", "ракамли иқтисодиёт", "SMART технологиялар"ни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишларига тўлиқ мос келиши.

Хulosha қилиб айтганда, минтақа иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш орқали барқарор ривожланишга эришиш мумкин бўлади. Ушбу мақсадга эришишда унга таъсир этувчи омилларнинг таъсир доираларини аниқлаш ва уларнинг ижобий таъсир имкониятларини кенгайтириш муҳим аҳамиятта эга ҳисобланади.

### **Фойдаланилган адабиётлар таҳлили**

1. Гаврилов А.И. Региональная экономика и управление. – М.:ЮНИТИ-ДАНА, 2002. – 239 с.
2. Лапин Н.И., Беляева Л.А. Регионы в России: социокультурные портреты регионов в общероссийском контексте. / Монография. – М.: Academia, 2009. – 807 с.
3. Чижова Н.А. К вопросу о социально-экономическом потенциале региона: теоретический аспект // Вестник Алтайского государственного аграрного университета. – 2013. – с. 109-112
4. Руденко М.Н. Классификация факторов развития и реализация экономического потенциала регионов с позиции социокультурного подхода. Российское предпринимательство. Том 18, № 15, август 2017. – с. 2215-2230.
5. Одинаев Д.Ш. Иқтисодий салоҳият тушунчаси, таркиби ва шаклланиш омиллари. "Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar" ilmiy elektron jurnali. № 3, may-iyun, 2022. – 260-266 betlar.  
[https://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/27\\_Odinayev.pdf](https://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/27_Odinayev.pdf)
6. Щербакова Е.В. Иерархическая структура экономического потенциала региона // Регионология. 2018. Т. 26, № 3. – с. 422-437
7. Ильина И.Н. Региональная экономика и управления развитием территорий: Учебник и практикум для бакалавриата и магистратуры / И.Н. Ильина, К.С. Леонард, Д.Л. Лопатников и др. – Люберцы: Юрайт, 2016. – 351 с. маълумотлари асосида тузилган

Copyright: © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution- 4.0 International License (CC - BY 4.0)

